

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТУҒРИСИДА ШАРТНОМА №139

Шахрисабз шахри

«10» Январ 2022 йил

Шахрисабз шаҳар электр таъминоти корхонаси (ташкilot, корхона номи) кейинги уринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Узининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юригувчи Рахбар Т. Тошев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Ок сув ирригация тизими бошкармаси (корхона, ташикilot, муассаса номи), кейинги уринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Узининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлик Хуррамов Улугбек Холбобоевич (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофик уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг иловасида белгиланган хувватдаги электр энергиясини кабул килиб олиш ва илова килинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблаглар хисобидан хак тулашни уз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташикilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик хажми **18000 (Ун саккиз минг)** кВт. электр энергия лимитини ташикilot килади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг хукуклари:

а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда саклашни;

в) электр энергиясини истеъмолчининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) кайта таксимланишини "Таъминотчи"дан талаб килишга хаклидир.

г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофик булмаган электр энергиясини етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хохишига кура;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофик булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни ва хакни тулашни рад этишга

д) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдаши копланишини талаб килишга хаклидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Хисобга олиш жойи электр тармоқларининг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказишин (истеъмолчининг хисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник холатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол килишнинг урнатилган тартибига риоя килиш хамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини хисобга олиш асбобларидаги носозликлар хакида "Таъминотчи"га хабар бериш;

г) реактив энергия нишлаб чиқарувчи ускуналарининг иш режимига риоя килиш шартноманинг 4-иловасига мувофик;

д) истеъмол килинадиган электр энергиясини хисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларининг бутлиги ва саклавишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергиясини учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг хукуклари:

а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергиясини учун олдиндан тегишли хакни тулашини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил хисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асоснда берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни "Истеъмолчи"дан талаб килишга хаклидир;

в) унинг вакили тегишли амал килиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр хисоблагичларни куриб текширадиган;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди хамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Карорига мувофик уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб килади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) конун хужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;

в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклаш 3-иловага мувофик;

г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма кондалари" 1.2.17-

банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;

д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;

е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;

ж) "Истеъмолчи"га электр ҳисоблагичларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш;

ж) жорий этиладиган чеклашлар ҳақида чеклашнинг жорий этилиш ҳажми ва вақтини курсатган ҳолда 0.5 кун олдин хабар қилиш;

з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.

и) "Электр энергиясидан фойдаланиш кондалари"га (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Қарорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида ҳисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Қарорига 2-илова) риоя қилинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси **8 100 000 (Саккиз миллион бир юз миң сўм 00-тиъин) сўмни ташкил этади.**

2022 йил I-чорак жами	I-чорак			II-чорак				III-чорак		IV-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
бюджет	2700000	2700000	2700000									

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табақалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур бўлмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6 сонли иловаларда берилди.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар ҳажмининг камида 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан _____ соғасигача ҳақ аванс тариқасида туланади, истеъмол қилинган электр энергияси учун қолган сўмма ___ кун мобайнида тулик тулаб берилди.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан ҳисоб-китоб қилинади. 1 (ҳисоб-китоб қилиш шакли курсатилади)

3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган ҳажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" ҳар ойда бўлиниш чегараларида урнатилган ҳисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда истеъмол миқдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тулов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги ҳисобот "Таъминотчи"га _____ гача муддатда юборилади.

3.6. Ҳисоб-китоб электр ҳисоблагичи бўлиниш чегарасида урнатилмаган тақдирда электр тармоғининг баланс буйича тегишлилик чегарасидан электр ҳисоблагич урнатилган жойгача электр энергияси йукотилиши миқдори "Истеъмолчи" билан биргаликда ҳисоб-китоб йули билан аниқланади ва тулов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)

3.7. Тақдим этилган белгиланган шаклдаги ҳисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га ҳисоб-фактура ёзиб беради. Ҳар хил тариф гуруҳига таалуқли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар ҳар бир тариф гуруҳига урнатилган ҳисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга ҳар бир объект буйича билиб курсатилган битта ҳисоб-фактура ёзиб берилди.

Қисман (тулик ҳажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмолчи" тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга ошириладиганини курсатиши керак. Ақс ҳолда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли ҳақида ҳисобот тақдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли ҳажми буйича ҳисоб-китоб ойнага кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси буйича қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда ҳисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тариқасида ҳисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойнага етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг ___ фоиздан кам (олдиндан тулов миқдори курсатилсин, лекин ___ фоиздан кам бўлмасин) бўлмаган миқдорда олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси ҳар ойда етказиб берилди. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси қийматининг 100 фоизи миқдорда олдиндан тулов амалга оширишлари керак.

Яқуний ҳисоб-китоб эса ___ кун давомида (яқуний ҳисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин ___ кундан ортиқмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун _____ кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд бўлганда, аванс тулови тариқасида туланган маблағлар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йуналтирилади ва аванс тулови тариқасида ҳисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гуруҳига эга бўлса, у олдиндан тулов ҳужжатида тариф гуруҳи буйича электр энергияси суммаси ва ёки миқдорини курсатиши керак. Ақс ҳолда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф

этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг узида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган туловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцент билан тулов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомалада кўрсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

"Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш миқдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомалада кўрсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТЎХТАТИШ ВА УЗИБ ҚУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тўхтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унга дарҳол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тўхтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни куриш зарур бўлган ҳолларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида ___ фоизини олдиндан туламаганда; ҳисоб-китоб охи тамом бўлгандан кейин ___ кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд бўлганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган миқдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақти соат 9.00 дан 20.00 гача бўлган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини куришга асоссиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тўхтатиб қуйиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.4. "Истеъмолчи"да _____ ҳисобга _____ олиш _____ прибори _____ бўлмаганда; _____ ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

_____ ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари йўлдан ўтказиб уланганда; фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" _____ кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармоғидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин бўлган, алоҳида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнига эга бўлган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланиш учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора тadbирлари тўғрисида" ги 511-сон Қарор қисмининг 1-илбасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг техногеник ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса фақат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган техногеник ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, ___ фоиздан қура миқдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг _____ фоизи миқдорда пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг _____ фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши

"Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг ___ фоизи (маҳсуе тартибга қура электр энергияси берилмаган қорхоналар учун ___ фоиз) миқдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг таклифига қура мулжалланаётган узгартиришларгача _____ кундан қура бўлмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортиқча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. ПИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва пизола масалалар қилиб чиққан тақдирда томонлар, қондаги қура уларни судгача ҳал этиш юзасидан тегишли чораларни қурадлар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.
7.2.Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА

ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 9.1. Шартнома уч томонлама имзоланган кундан бошлаб қучга қиради ва 2022 йил 31 декаргача амал қилади.
- 9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.
- 9.3. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.4. Тарафлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ташдирда тўхтатилади.
- 9.5. Томонлар уртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

- 10.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига қуча ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик қучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»

**Шахрисабз шаҳар электр таъминоти корхонаси
бошқармаси**

(ижрочининг номи)

**Шахрисабз шаҳри ипак йули қучаси №102 уй
йули қучаси №250**

тел\факс 03755220125

х\р 22636000800177786349

Узсаноатқурилиш Банк Қарши

МФО 00854 ИНН 200666494

ОКОНХ 11170

Раҳбар

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО)

Холдобоев

«Истеъмолчи»

Оқ сув ирригация тизими

(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили Шахрисабз шаҳри Ипак

тел\факс 0375 522 30 21 522 30 22

ш/х100021860104057042402170001

ИНН 305915146 ОКЭД 01613

Молия Вазирлиги Ғазначилик

х/р23402000300100001010

Марказий банк тошкент ш ББХКМ

МФО 00014 ИНН 201122919

Хуррамов Улуғбек

(ИМЗО)

Ф.И.Ш

Ушбу 2022 йил «10» январ даги №139 сонли Оқ сув ирригация тизими бошқармаси билан Шахрисабз шаҳар электр таъминоти корхонаси уртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1 сонли «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базасини тўғрилади»ги Қонуни талабларига мос келади

Ҳуқуқшунос

(ИМЗО)

(Ф.И.Ш.)

М.У

10.01.2022 йил

Адвокат

10.01.2022 йил.

С.Ибрагимов

2022 йил «10-январь» даги
№139 сонли шартномага 1-сонли
Илова

Шахрисабз шаҳар электр таъминоти корхонаси томонидан 2022 йил давомида етказиб
бериладиган электр энергияси куввати

Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори (кВт)	Нархи	Суммаси
Январ	кВт	6 000	450	2 700 000
Феврал	кВт	6 000	450	2 700 000
Март	кВт	6 000	450	2 700 000
1-чорак жами	кВт	18 000		8 100 000
Апрел				
Май				
Июн				
2-чорак жами				
Июл				
Август				
Сентябр				
3-чорак жами				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
4-чорак жами				
Хаммаси 2022 йил	кВт	18 000	450	8 100 000

«Таъминотчи»

Шахрисабз шаҳар электр таъминоти корхонаси

Рахбари:



Т. Тошев

«Истеъмолчи»

Оқ суви ирригация тизими бошқармаси

Рахбари:



У. Хуррамов